



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ГЕНДЕР ОМИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жалилов Мўминжон Солижон ўғли

Наманган вилоят прокуратураси
Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан
назорат бўлими бошлиғи ўринбосари,
1-даражали юрист
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14011522>

Аннотация:

Мазкур ишда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда гендер омилларининг аҳамияти ва таъсири таҳлил қилинган. Ишда коррупция ва гендер тенглиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, давлат ва хусусий сектордаги коррупцион ҳолатлар, шунингдек, халқаро стандартлар ва тадқиқотлар натижалари ўрганилган. Гендер тенглигининг коррупция даражасига таъсири ва унинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқлиги муҳокама қилинган.

Калит сўзлар:

Коррупция, гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари, халқаро стандартлар, Ўзбекистон, коррупцияга қарши кураш.

Аннотация:


В данной работе рассматривается роль и значение гендерных факторов в борьбе с коррупцией в Узбекистане. Анализируется взаимосвязь между коррупцией и гендерным равенством, случаи коррупции в государственном и частном секторах, а также международные стандарты и результаты исследований. Обсуждается влияние гендерного равенства на уровень коррупции и его связь с правами человека.

Ключевые слова:

Коррупция, гендерное равенство, права человека, международные стандарты, Узбекистан, борьба с коррупцией.

Abstract:

This study examines the role and significance of gender factors in combating corruption in Uzbekistan. It analyzes the interrelationship between corruption and gender equality, explores corruption cases in both public and private sectors, and reviews international standards and research findings. The study discusses how gender equality influences the level of corruption and its connection to human rights.





Keywords:

Corruption, gender equality, human rights, international standards, Uzbekistan, anti-corruption efforts.

Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масалалари давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллаб, бу борада кўплаб ҳуқуқий ва институционал ислохотлар амалга оширилди. Коррупциянинг барқарор ривожланишга, давлат бошқаруви самарадорлигига ва инсон ҳуқуқларига салбий таъсири халқаро миқёсда кенг тан олинган бўлиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш давлат органлари, фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни талаб қилади. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш жараёнида гендер омиллари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Гендер тушунчаси – бу муайян жамиятда эркаклар ва аёллар ўртасидаги ролларни, хатти-ҳаракатларни, имкониятлар ва ҳуқуқларни белгилашдаги фарқларни англатади. Коррупция соҳасида гендер тенгликни таъминлаш нафақат коррупцияни камайитиришга, балки инсон ҳуқуқларининг мустаҳкамланишига ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, гендер тенглиги юқори бўлган жамиятларда коррупция даражаси пастроқ бўлади.

Дунё миқёсида қабул қилинган қатор халқаро стандартлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси, Европа Кенгашининг коррупцияга оид конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатлар гендер масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Коррупциянинг гендерлик кўринишларини тушуниш ва уларга қарши самарали чоралар кўриш коррупцияга қарши курашнинг муҳим қисмига айланиб бормоқда.

Ушбу тезисда гендер омилларининг коррупцияга таъсири, давлат бошқарувида ва хусусий секторда аёллар ва эркакларнинг роллари, шунингдек, коррупцияга қарши кураш жараёнида гендер тенглигининг таъминланиши масалалари атрофлича таҳлил қилинади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши самарали курашишда гендер тенглигига эътибор қаратиш ва уни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Коррупциянинг олдини олишда ва жамиятда инсон





хуқуқларини таъминлашда гендер тенглигининг ўрни мустаҳкамланиши зарур.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари такомиллаштирилиб, жамиятда коррупция иллатига нисбатан муросасиз муҳитни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари кенг жорий этилиб, уларнинг фаолиятида очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ошириш бўйича тизимли чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистон шароитида коррупциявий омилларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш жараёнида тегишли соҳаларни рақамлаштириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга эътиборни янада кучайтириш зарурати вужудга келмоқда.

Қолаверса, бюджет маблағларидан фойдаланиш, давлат харидлари, капитал қурилиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш, банк кредитларини ажратиш, ишга қабул қилиш каби йўналишларда коррупция ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Шу боис, кейинги даврда коррупцияга қарши курашишнинг янгича ҳуқуқий механизмлари яратилди. Бу борада бир қатор давлат бошқаруви ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармони, 2024 йил 21 июндаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-228-сон Қарори шулар жумласидандир.

Қайд этиш лозимки, охириги йилларда коррупция муаммоси бўйича мулоҳазаларда янгича тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, коррупция соҳасида гендер омилларни ҳисобга олиш замонавий назария ва амалиёт олдида турдан кечиктириб бўлмас масалалардан бўлиб қолмоқда. Ҳозирда жинс ва гендер тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни тушуниш муҳим ҳисобланади.

Жаҳонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бир қатор халқаро стандартлар қабул қилинган бўлиб, улар ичида қуйидаги тўртта конвенция муҳим аҳамият касб этади:





- 1) Халқаро тижорат операцияларида хорижий мансабдор шахсларнинг порахўрлигига қарши курашиш тўғрисидаги конвенция (Париж, 1997 йил 17 декабрь);
- 2) Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь) ва Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протокол (Страсбург, 2003 йил 15 май);
- 3) Европа Кенгашининг Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция (Страсбург, 1999 йил 4 ноябрь);
- 4) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь).

“Гендер” деганда – маълум бир жамиятда эркаклар ва аёллар учун мос деб ҳисоблаган роллар, хатти-ҳаракатлар, фаолият ва хусусиятлар тушунилади. Гендер таҳлили деганда эса, гендер ролларининг, фаолият турларининг, эҳтиёжларнинг, имкониятлар ва ҳуқуқларнинг фарқлари муайян вазиятларда ёки контекстларда эркаклар, аёллар, вояга етмаган қизлар ва ўғил болаларга кўрсатадиган таъсирини илмий-танқидий ўрганиш ҳисобланади.

Ҳозирда гарчи бутун жамият коррупциядан азият чекаётган бўлса-да, унинг турли ижтимоий гуруҳларга таъсири ўзига хослиги ва бир хил эмаслиги билан ажралиб туради, Хусусан, аёллар коррупция таъсирига эркакларга қараганда кўпроқ мойил бўлади, деб ҳисобланилади.

Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларда аёллар эркакларга нисбатан кам даражада коррупцияга мойил бўлади деган хулосага ҳам келинган. Буни асосий сабаб сифатида уларнинг ожизалиги, бағрикенглиги ҳамда кўнглибўшлиги кабилар келтирилади. Хусусан, Ф.Боем, Б.Франк ва Ж.Ламбсдорф томонидан 2011 йилда ўтказилган тадқиқотлар давомида Колумбия йўл ҳаракати хавфсизлиги идораларида аёл инспекторлар сонининг ортганлиги ҳайдовчилар томонидан пора бериш орқали содир этган қоидабузарликлардан қутилиб кетиш ҳолатларининг камайишига олиб келганлиги аниқланган.

Бутунжаҳон банки томонидан 2013 йилда ўтказилган таҳлилларга кўра эса, гендер тенглик билан коррупция бир-бирига тескари ҳолатда эканлиги аниқланган. Яъни, коррупция даражаси юқори бўлган давлатларда гендер тенглик таъминланганлик даражаси паст бўлган. Мазкур таҳлилларни бугунги кун миқёсида қўйидагича изоҳлаш мумкин, гендер тенглик даражаси бўйича БМТнинг Ривожланиш дастури





томонидан ўтказилган ўрганишлар якуни бўйича юқори ўринларда бўлган Швецария, Дания, Швеция каби давлатлар, коррупцияни қабул қилиш даражаси бўйича Transparency international халқаро ташкилоти таҳлилларига кўра ҳам коррупция даражаси энг паст давлатлар ҳисобланади.

Бироқ фикримизча, олиб борилган таҳлилларда ҳар доим ҳам коррупциянинг юзага келиш сабаблари, уларга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда омиллар ҳисобга олинавермайди. Шу боис, гендер тенгликни таъминлаш коррупцияга қарши курашишга тўлиқ ёрдам беради, деган хулосани шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Сир эмаски, коррупция хусусий секторда содир этиладими ёки давлат бошқаруви органларидами, унда асосан эркакларнинг ҳиссаси юқори бўлади. Ҳаттоки йирик миқдордаги коррупцион ҳолатларнинг ҳам аксарияти эркак жинсига оид шахслар ҳиссасига тўғри келади. Қайд этиш лозимки, айрим ҳолларда коррупцияга оид жиноятларда аёлларнинг ҳам иштирок этишини, коррупцион схемаларнинг аёллар томонидан ҳам бошқарилишини инкор этиб бўлмайди.

Шу асосда табиий савол туғилади, давлат бошқарув органларида гендер тенгликнинг таъминланиши коррупцияга қарши курашишга қай даражада таъсир кўрсата олади?

Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг коррупцияга мойиллик даражаси жамиятда коррупцияни содир этганлик учун жавобгарликнинг белгиланиш даражаси билан боғлиқ. Хусусан, Нью-Йорк Федерал резерв банки мутахассиси Оливиер Армантиер ва Африка ривожланиш банки мутахассиси Амадоу Болли томонидан 2008 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида аёлларнинг назорат остида бўлган вақтларида коррупцияни содир этмасликлари даражаси эркак жинсига мансуб шахсларга нисбатан анчагина юқори эканлиги аниқланган

Бироқ яна бошқа бир тадқиқотда эса, аёллар ва эркаклар коррупция содир этганлик учун бир хил жавобгарликка тортилган тақдирда молиявий секторда фаолият юритувчи аёлларнинг коррупцияга мойиллиги нисбатан юқори бўлиши аниқланган.

Бизнингча, коррупция омилларини баҳолашда унинг коррупция аёл ёки эркак жинсига мансуб шахс томонидан содир этилишидан қатъи назар, унинг натижасида жамиятда инсон ҳуқуқларининг бузилиши юзага келиши айтиш ҳақиқатдир. Хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай жамиятда коррупциянинг содир этилишида гендер омил жавобгарликнинг





даражасига кўра фарқ қилади. Жамиятда инсон ҳуқуқларининг таъминланганлик даражаси юқори бўлса, коррупциялашганлик даражаси паст бўлади ва гендер тенглик даражаси юқори бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш нафақат ҳуқуқий-ижтимоий вазифа, балки давлатнинг барқарор ривожланиши ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий шартидир. Мазкур тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, гендер омиллари коррупцияга қарши курашиш жараёнида ўта муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёллар ва эркекларнинг коррупцияга мойиллик даражасидаги фарқлар коррупцияга қарши курашиш стратегияларини шакллантиришда эътиборга олиниши керак. Шу билан бирга, гендер тенглигини таъминлаш фақатгина коррупция даражасини пасайтириш эмас, балки жамиятда инсон ҳуқуқларини ривожлантириш учун ҳам муҳимдир.

Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро тажрибаси шуни кўрсатадики, гендер тенглиги юқори бўлган жамиятларда коррупция даражаси паст бўлади. Масалан, Швеция, Дания ва Швейцария каби давлатлар гендер тенглиги ва коррупциянинг паст даражасини таъминлашда ижобий намуна бўлиб хизмат қилади. Бу мамлакатларда жамоатчилик назорати тизими самарали ташкил этилган ва давлат органлари фаолиятида очиқлик таъминланади. Шунингдек, аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироки фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини оширади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам коррупцияга қарши курашда ва гендер тенглигини таъминлашда сезиларли натижаларни кўрсатмоқда. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашда аҳолининг, жумладан, давлат хизматчиларининг билимларини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ, коррупцияга қарши курашишда гендер тенглигини таъминлаш барча муаммоларни ҳал қилиш учун етарли эмас. Коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини ҳисобга олиб, тизимли ва узлуксиз чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Гендер тенгликни таъминлаш коррупцияга қарши самарали механизмларнинг бир қисми бўлиб, жамиятда инсон ҳуқуқлари, адолат ва қонунийликнинг устунлигини таъминлашда муҳим восита бўлиб қолиши керак.

Шу муносабат билан, давлат бошқарув органларида гендер тенгликни таъминлаш фақатгина қонуний талаб эмас, балки коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида қаралиши лозим. Аёллар ва эркеклар тенг имкониятларга эга бўлган муҳитни яратиш орқали





жамиятда адолат ва қонунийлик тамойиллари мустаҳкамланади. Шунингдек, коррупцияга қарши стратегияларда гендер нуқтаи назарини чуқурроқ ҳисобга олиш давлат органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини янада оширишга ёрдам беради.

Умуман олганда, коррупцияга қарши курашишда гендер тенглигини таъминлаш нафақат давлат идораларининг фаолияти самарадорлигини оширади, балки жамиятда умумий ишонч ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилади. Бу мақоладаги таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашда гендер омилларини инобатга олиш нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсдаги муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади..

